

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВА ДИЛНАВОЗ РИЗОҚУЛОВНА

**КЕКСА ЁШЛИ АЁЛЛАРДА СУРУНКАЛИ
ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КЕЧИШИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Адизова Дилнавоз Ризокуловна

Кекса ёшли аёлларда сурункали юрак етишмовчилиги
кечишининг ўзига хос хусусиятлари..... 3

Адизова Дилнавоз Ризокуловна

Особенности течения хронической сердечной
недостаточности у пожилых женщин..... 25

Adizova Dilnavoz Rizokulovna

Features of the course of chronic heart failure in older women..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВА ДИЛНАВОЗ РИЗОҚУЛОВНА

**КЕКСА ЁШЛИ АЁЛЛАРДА СУРУНКАЛИ
ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КЕЧИШИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1509 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулабоева Гавхар Мирокборовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Авезов Давлат Курбанбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» август соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» август куни тарқатилди.
(2021 йил «14» август даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Р.Д. Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори

А.Х. Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда сурункали юрак етишмовчилиги(СЮЕ)га биринчи навбатда кекса ва қари ёшдаги инсонларни қамраб олган ноинфекцион пандемия сифатида қаралади. «СЮЕ нафақат тиббий, балки ўзининг кенг тарқалганлиги, юқори ўлим даражаси ва беморларни даволашда кўп харажат талаб этиши туфайли юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. СЮЕ беморлар ҳаёт сифатини кескин ёмонлаштиради ва ўлим хавфини 4 марта оширади...»¹. Замонавий тиббиётнинг юрак-қон томир касалликларини даволашдаги муҳим ютуқларига қарамасдан, касалликнинг тарқалиши нафақат камаймаяпти, балки барқарор ўсишда давом этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, СЮЕнинг тарқалиши ёш улғайиши билан ошиб бориб, 50 ёшдан бошлаб ҳар ўн йилда икки мартага кўпаяди, 65 ёшдан ошган одамларда эса унинг тарқалиши 6-15% га етади, қайсики катта ёшли аҳоли ўртасида бу кўрсаткич 2,2%ни ташкил этади². Аҳоли орасида кенг тарқалганлиги ва кекса беморларнинг ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатиши СЮЕнинг турли жиҳатлари тиббиётда ҳали ҳал қилинмаган муаммо эканлигини кўрсатади ва шу сабабли бу йўналишдаги тадқиқотлар замонавий тиббиёт учун долзарблигича қолмоқда.

Бугунги кунда дунёда СЮЕ авж олишининг патогенетик асосларини ўрганиш ва уларга таъсир этиш усулларига йўналтирилган, шунингдек СЮЕ билан хасталанган беморлар давосида юқори самарадорликка эришишга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, СЮЕ оғирлиги билан тизимли эндотелиал дисфункция яққоллиги орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш ва беморлар учун уларга касалликни назорат қилиш ҳамда дори-дармонларни рационал қабул қилиш асосларини тўғри ўргатиш мақсади кўзланган «саломатлик мактаблари»ини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан СЮЕ кечишини муайян гуруҳлар, хусусан кекса ва қари ёшдаги аёл беморларда ўрганиш ва улар давосини мақбуллаштириш усулини ишлаб чиқиш ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, катта ёшли аҳоли гуруҳларида касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг асоратланишини камайтириш борасида бир қатор кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган

¹Аляви А.Л., Камилова У.К., Расулова З.Д. Диагностика и лечение хронической сердечной недостаточности. // Монография. – 2016. – 196 с.

²Emelia J. Benjamin, Paul Muntner, Alvaro Alonso et.al. Heart Disease and Stroke Statistics – 2019 Update: A Report From the American Heart Association. <https://doi.org/10.1161/CIR.0000000000000659>. Circulation. 2019. Vol 139. e56–e528.

холда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»³ каби вазифалар белгиланган. Хусусан, гериатрик беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни янги даражага кўтариш, улар давосини мақбуллаштиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва хаёт сифатини яхшилаш масалалари муҳим ахамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» фармонларида, ҳамда 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек, 2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302 ««Кекса авлодга эътибор ва ғамхўрлик йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорларида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда кардиология соҳасида аёллардаги юрак қон томир касалликларининг муаммоси фаол муҳокама қилинмоқда. Муҳокамаларнинг асосий сабаби аёлларда атеросклероз оқибатида юзага келадиган юрак қон томир касалликларининг эркакларга қараганда 8-10 йилга кечроқ ривожланиши ва репродуктив ёшда аёлларда юрак қон томир касалликлари асоратлари ривожланиш хавфи эркакларникига қараганда 3 марта камлиги туфайли шифокорлар томонидан аёлларда ушбу касалликларнинг ташхиси ва давосига бепарволик билан муносабатда бўлишидир. Шу билан бирга, катта ёшли, айнан 65 ёшдан катталарда юрак қон томир тизими касалликлари, жумладан СЮЕ оқибатида асоратланиш ва ўлим хавфи катта улушга эгаллиги билан ажралиб туради (Подзолков В.И., 2007; Савина Н.М., Гладких А.С., Сидоренко Б.А., 2010).

Кўпгина тадқиқотлар аёлларда эркакларга нисбатан чап қоринча систолик функциясининг сақланиши билан кечувчи СЮЕ кўп учрашини кўрсатади. Симптомларнинг юзага келишида муайян бир вақтга қадар аёлларни СЮЕ белгилари ривожланишидан ҳимоя қиладиган гормонал омил муҳим рол ўйнайди. Бироқ, жинсий гормонлар таъсири кекса ёшда заифлашади, кўпгина изланишлар маълумотларига кўра, кейинчалик СЮЕ белгилари эркакларга нисбатан яққолроқ намоён бўлади (Stewart Г.С, Сассино Т., Richards Б., 2019). Қатор илмий тадқиқот натижалари кекса ва

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

қарилик ёшида азот оксиди даражасининг ўзгариши кузатилишини ва бу СЮЕ кечишига сезиларли таъсир кўрсатишига гувоҳлик беради. 40 ёшдан бошлаб ҳар йили елка артериясида қон оқими тезлиги ўртача 0,21% га ишонарли пасайиб бориши исботланган, бу эса эндотелиал дисфункциянинг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади (Сукманова И.А., Яхонтов Д.А., Осипова И.В., 2009; Агеев Ф.Т., Арутюнов Г.П., Беленков Ю.Н., 2010).

Ҳозирги кунда СЮЕли бор беморларни амбулатор шароитда олиб боришда уларни ўзини ўқитишга мўлжалланган ўқув дастурлар касаллик асоратлари профилактикасидаги истиқболли йўналишлардан биридир. Ушбу дастурлар СЮЕ билан оғриган беморлар ва улар қариндошларининг беморлар саломатлиги ҳолатига оид ахборот билан таъминланишини ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш йўллари, саломатлиги ҳолатини мустақил назорат қилиш ва ўз-ўзига ёрдам бериш усуллари бўйича қатор чоратadbирларни қамраб олади (Asadi P., Ahmadi S., Abdi A., 2019; Mei J., Tian Y., Chai X., 2019).

Мамлакатимизда Қурбонов Р.Д., Гадаев А.Г., Абдуллаев Т.А., Камилова У.К. каби етакчи олимлар СЮЕ муаммоси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, СЮЕ оқибати ва кечишига нейрогуморал, эндотелиал дисфункция ва генетик омилларнинг роли ўрганилган (Қурбонов Р.Д., 2016; Камилова У.К., 2016). Лекин олиб борилган тадқиқотларда кекса ва қари беморлар хусусиятлари алоҳида ўрганилмаган, танлов гуруҳида аёллар озчиликни ташкил этади, бу контингент беморлар учун самарадор даво усуллари ҳақида тадқиқотлар етарли эмас. Юқорида келтириб ўтилганлар кекса ва қари ёшдаги СЮЕ билан оғриган аёл беморларда эндотелиал дисфункциянинг хусусиятларини янада чуқур ўрганиш, шунингдек, уларнинг терапиясини назорат қилиш учун самарали усулларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий-текшириш муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази) кардиология ва геронтология кафедрасининг 2012-2017 йилларда «Юрак-қон томир тизимининг ёшга боғлиқ жиҳатлари» мавзусидаги 0196 0004420-сонли илмий тадқиқот дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Кекса ва қари ёшдаги аёл беморларда СЮЕнинг клиник ва гемодинамик хусусиятларини ўрганиш ҳамда беморларга «ўз-ўзини бошқариш» ва «ўз-ўзига ёрдам бериш» бўйича ўқитиш усулларини кўллаш ёрдамида давони мақбуллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

кекса ва қари ёшли беморларда СЮЕнинг клиник кечиши хусусиятларини ва этиологик омилларини таҳлил қилиш;

кекса ва қари ёшдаги СЮЕ билан оғриган беморларда эхокардиографик ва ЭКГ белгиларни баҳолаш;

эндотелиал дисфункциянинг қондаги маркёрларини аниқлаш асосида кекса ва қари ёшли беморларда СЮЕда тизимли эндотелиал дисфункциянинг оғирлигини баҳолаш;

кекса ва қари ёшдаги СЮЕ билан оғриган беморларда давога мойиллик ва стандарт терапиядан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш;

кекса ва қари ёшдаги СЮЕ билан оғриган беморларда «ўз-ўзини бошқариш» ва «ўз-ўзига ёрдам бериш» ўқитиш услубининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2011-2013 йилларда Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази кардиология ва геронтология кафедраси клиник базаларида кузатилган 139 нафар СЮЕ билан оғриган II ва III функционал синфли ўрта, кекса ва қари ёшли аёл беморлар олинди.

Тадқиқот предмети сифатида беморларнинг динамикадаги клиник, функционал, инструментал ва лаборатор кўрсаткичлари, эндотелиал дисфункция асосий маркёрларини аниқлашда бемор веноз қони зардоби олинди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида клиник, функционал, асбобий (ЭКГ, ЭхоКГ) ва биокимёвий (қон зардобида эндотелиал дисфункция маркёрлари) ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган СЮЕ кекса ва қари ёшли беморларга хос хусусият бўлиб, касаллик кечишида қандли диабет, камқонлик ва депрессия каби клиник ҳолатларнинг салбий таъсир кўрсатувчи омил эканлиги аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган кекса ва қари ёшли беморларга эндотелиаль (eNOS) ва индуцибель (iNOS) NO-синтаза даражалари диссоциацияси хослиги ва бу улардаги тизимли эндотелиал дисфункция ривожланиши асоси эканлиги исботланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда Мориски-Грин шкаласи ёрдамида баҳоланган давога мойиллик кўрсаткичининг турли ёшдаги беморлар гуруҳида ўзига хослиги аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган кекса ва қари ёшли аёлларда давога мойилликни инобатга олган ҳолда турли дифференцирланган тадбирларни қўллаш орқали бемор ҳаёт сифати ва функционал ҳолати яхшиланиши, хасталикнинг декомпенсацияси туфайли қайта касалхонага ётқизиш кўрсаткичининг камайиши исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган лаборатор тадқиқот давомида NO-синтаза даражалари диссоциацияси ва азот оксиди метаболитлари ошишининг аниқланганлиги СЮЕ билан касалланган кекса ва қари ёшли беморларда тизимли эндотелиал дисфункция ривожланиш механизмини янада яхшироқ ўрганиш имкониятини берган;

кекса ва қари ёшдаги СЮЕ билан оғриган беморлар учун «ўз-ўзини бошқариш» ва «ўз-ўзига ёрдам бериш» нинг асосий жиҳатларини ўргатиш услуби ишлаб чиқилган ва тавсия этилган ўқитиш услубини қўллаб туриб

СЮЕ кечишини барқарорлигига эришиш мумкинлиги ва давога мойиллик кўрсаткичининг яхшиланиш имкони мавжудлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, СЮЕ билан оғриган беморлар сонининг етарли эканлиги, замонавий клиник, функционал, биокимёвий текширулардан фойдаланилганлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кекса ва қари ёшли СЮЕ билан оғриган аёлларда тизимли эндотелиал дисфункция оғирлиги билан клиник ва функционал кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш ва ушбу контингент беморларда ЭхоКГ текшируви натижалари орқали чап қоринча қайта тузилишининг функционал хусусиятларини аниқлашга ҳисса қўшиш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СЮЕдаги «ўз-ўзини бошқариш» ва «ўз-ўзига ёрдам бериш»нинг асосий жиҳатлари ҳақида беморларга билим беришга асосланган беморни ўқитиш усулини ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва самарадорлигини баҳолашдан иборат бўлиб, бу комплаенсни ошириб, касаллик кечишини назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кекса ва қари ёшли СЮЕ билан хасталанган аёл беморларни ўқитиш усули самарадорлигини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

СЮЕ билан хасталанган кекса ва қари ёшли аёлларда самарадор даво усулини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларни «ўз-ўзини даволаш» ва «ўз-ўзини бошқариш» усулида ўқитиш дастури» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-р/608-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕ билан хасталанган кекса ва қари ёшли беморларда ўзига хос ёндашув орқали давони мақбуллаштириш имконини берган;

кекса ва қари ёшли беморларда ўқитиш усулини қўллаш орқали даво самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизими амалиётига, жумладан Бухоро шаҳар 4-сон оилавий поликлиникаси ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 июль 08-03/7792 - сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларни амалиётга тадбиқ этиш ўқитилган беморлар орасида СЮЕ ФС оғирлашувини камайтириш, оилавий поликлиникага режалаштирилган ташрифлар сонини ошириш ва оилавий поликлиникага режадан ташқари ташрифлар сонини камайтиришга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 4 та асосий боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 133 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, изланишнинг мақсад ва вазифалари асосланади, тадқиқотнинг объекти ва предмети очиб берилди, республика илм-фан ва технологиялар устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, изланишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш маълумотлари, ишнинг апробация натижалари, тадқиқот иши натижалари нашрлари ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигининг ёш ва гендер хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида кекса ва қарилик ёшида СЮЕнинг ўзига хос хусусиятлари, тизимли эндотелиал дисфункциянинг СЮЕ патогенезидаги ўрни, СЮЕ кечишига депрессив бузилишлар ва давога мойилликнинг аҳамиятига оид адабиётлар шарҳи келтирилган. Бобда кекса ва қари ёшдаги беморларда СЮЕнинг хусусиятларига оид адабиётларда мавжуд маълумотлар батафсил баён этилган. Алоҳида бўлим СЮЕ патогенезида тизимли эндотелиал дисфункциянинг ўрни ва юрак-қон томир касалликларида азот оксиди ва эндотелиал дисфункция маркёрлари даражасининг ўзгаришига бағишланган. Катта ёшли беморлар гуруҳида СЮЕда депрессив бузилишларнинг ифодаланиши очиб берилган. Шунингдек, СЮЕ давосига бағишланган замонавий адабиётлар таҳлил қилинган бўлиб, унда асосий урғу давога мойиллик ва унга таъсир қилувчи омилларга берилган.

«**Тадқиқот материал ва услублари**» деб номланувчи иккинчи бобда текширилган беморлар, тадқиқот услублари, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган.

Изланишлар 2011-2013 йиллар Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Кардиология ва геронтология кафедраси клиник базаларида (стационар - 7 сон шахар касалхонаси терапия ва кардиология бўлимлари ва амбулатор) олиб борилди. Кузатувда 139 нафар СЮЕ II ва III

ФС ташхиси клиник ва инструментал маълумотлар асосида тасдиқланган беморлар бўлди.

Тадқиқотга киритилган барча 139 беморларнинг ўртача ёши $67,18 \pm 10,69$ йилни ташкил этди. Тадқиқот давомида барча беморлар 3 та кичик гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ – ўрта ёшдаги беморларга ($n=32$), ўртача ёши $52,29 \pm 4,24$; 2-гуруҳ – кекса беморлар ($n=69$), ўртача ёши $66,91 \pm 4,68$ ва 3-гуруҳ – қари ёшдаги беморлар ($n=38$), ўртача ёши $79,81 \pm 4,47$.

Уч хил ёшдаги СЮЕ билан касалланган аёлларда СЮЕ кечиш хусусиятларини комплекс текшируви қуйидагини ўз ичига олди:

- СЮЕ этиологик омилларининг ўзига хослигини баҳолашда 139 нафар беморда СЮЕ ривожланишига олиб келган асосий ва йўлдош касаликлар таҳлил қилиш;

- Ҳар уччала гуруҳдаги 139 нафар аёлда клиник статус ва юракнинг морфофункционал ўзгаришлари СЮЕ оғирлигини ўрганишнинг клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ), олти дақиқалик юриш синамаси (ОДЮС), ҳаёт сифати сўровномаси, ЭКГ, ЭхоКГ каби клиник ва инструментал текширув маълумотлари асосида баҳолаш;

- СЮЕ билан оғриган турли ёшли гуруҳлардаги беморларда NO метаболитлари ва бошқа маркёрларни текшируви асосида эндотелиал дисфункция ифодаланишини баҳолаш;

- текширилаётган ҳар бир гуруҳ беморларида давога мойилликни ва стандарт терапиядан фойдаланиш тартибини ўрганиш;

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичи 107 нафар СЮЕ билан хасталанган кекса ва қари ёшли беморда инновацион технологияларни қўллаб «ўз-ўзини бошқариш» ва «ўз-ўзига ёрдаш бериш» ўқув дастурини мослаштириш, қўллаш ва самарадорлигини ўрганишдан иборат бўлди.

Диссертациянинг учинчи «**Кекса ва қари ёшдаги СЮЕли аёл беморларда клиник ва функционал кўрсаткичлар хусусиятлари**» бобида текширилган беморларда СЮЕнинг клиник симптомлари ва клиник белгилари, КХБШ, ОДЮС ва ҳаёт сифатини баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари бўйича патологик жараён оғирлигини баҳолаш, этиологик омилларини ўрганиш натижалари, йўлдош коморбид ҳолатларнинг тарқалиши, ЭКГ ва ЭхоКГ бўйича юракнинг морфофункционал параметрлари ўзгаришининг тарқалиши, қондаги азот оксиди метаболитлари ва бошқа маркёрлар орқали тизимли эндотелиал дисфункциянинг оғирлигини ўрганиш, шунингдек, давога мойиллик ва СЮЕ давосидаги асосий гуруҳ препаратларидан фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш кабилар келтирилган.

Кекса ёшли беморлар умумий гуруҳида ($n=69$) КХБШ бўйича ўртача кўрсаткич $6,64 \pm 1,77$ баллга тенг бўлди, гуруҳда ОДЮС бўйича натижалар ўртача кўрсаткичи $255,29 \pm 69,67$ м ва Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire (MLHFQ) бўйича ҳаёт сифати сўровномаси натижалари ўртача кўрсаткичи $54,77 \pm 10,07$ баллни ташкил этди. КХБШ ва ОДЮС ўртача кўрсаткичлари ўртасида кучли тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланди. Ҳаёт сифати (ҲС) кўрсаткичлари ва КХБШ/ОДЮСлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кучсиз ва ўртача ифодаланган бўлди. Қари ёшли

беморлар гуруҳида (n=38) КХБШ бўйича ўртача кўрсаткич $6,21 \pm 1,4$ баллни ташкил этди, гуруҳда ОДЮС бўйича натижалар ўртача кўрсаткичи $241,45 \pm 71,93$ м ва MLHFQ бўйича ҳаёт сифати сўровномаси натижалари ўртача кўрсаткичи $62,16 \pm 7,58$ баллга тенг бўлди. КХБШ ва ОДЮС ўртача кўрсаткичлари ўртасида кучли тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди. ҲС кўрсаткичлари ва КХБШ/ОДЮСлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кучсиз ва ўртача ифодаланган бўлди (1-жадвал).

Беморлар клиник ҳолати оғирлиги ва ҳаёт сифатини баҳолаш натижалари ўрта ёшли гуруҳдаги беморларда КХБШ, ОДЮС, ҲС кўрсаткичлари орасида кучли корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Ўрта ёшли гуруҳда СЮЕ ФСлари орасидаги ҳар уччала кўрсаткич ўртача қийматлари яққол фарқга эга бўлди.

1-жадвал

СЮЕ оғирлиги асосий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари ва улар орасидаги корреляцион боғлиқлик

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар			
	КХБШ	ОДЮС	MLHFQ	r
Ўрта ёш (n=32)	$4,72 \pm 1,61$	$324,84 \pm 82,18$	$40,47 \pm 8,14$	КХБШ/ ОДЮС - 0,729 КХБШ/ MLHFQ 0,763 ОДЮС / MLHFQ - 0,945
Кекса ёш (n=69)	$6,64 \pm 1,77$	$255,29 \pm 69,67$	$54,77 \pm 10,07$	КХБШ/ ОДЮС - 0,885 КХБШ/ MLHFQ 0,325 ОДЮС / MLHFQ - 0,258
Қари ёш (n=38)	$6,21 \pm 1,4$	$241,45 \pm 71,93$	$62,16 \pm 7,58$	КХБШ/ ОДЮС - 0,864 КХБШ/ MLHFQ 0,381 ОДЮС / MLHFQ -0,295

Изоҳ: * - 1 гуруҳ (ўрта ёш) кўрсаткичларига нисбатан фарқи ишонарли (* - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$).

Кекса ва қари ёшли беморлар гуруҳида фақат КХБШ ва ОДЮС кўрсаткичлари қийматлари орасида кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди. Ҳаёт сифати кўрсаткичлари СЮЕ ФСларига боғлиқ ҳолда статистик аҳамиятли фарқга эга бўлмади ва шунинг учун бу кўрсаткичнинг КХБШ ва ОДЮС кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги ҳам заиф бўлди.

Қари ёшли беморлар орасида СЮЕ II ФСда АГнинг СЮЕ этиологик омили сифатида алоҳида учраши энг кўп - $47,3\%$ ($p < 0,05$)ни ташкил этди, АГ ва ЮИКларининг бирга учраш ҳолати $31,5\%$ ($p < 0,05$), АГ ва қандли

диабетнинг (ҚД) бирга келиши 5,2% ва АГ, ЮИК ва ҚДнинг бирга учраши 10,4%ни ташкил этди. СЮЕ III ФСда ушбу гуруҳ беморларда АГ ва ЮИК бирга келиш ҳолатлари 73,6%, АГ, ЮИК ва ҚДнинг бирга учраши 15,2% ва АГнинг алоҳида келиши атиги 5,2% ҳолатда эканлиги аниқланди.

2-жадвал

СЮЕ этиологик омилларга боғлиқ ҳолда тадқиқот гуруҳларининг тақсимооти

Этиология	II			III		
	1-гуруҳ (n=20)	2-гуруҳ (n=34)	3-гуруҳ (n=19)	1-гуруҳ (n=12)	2-гуруҳ (n=35)	3-гуруҳ (n=19)
	M±m%	M±m%	M±m%	M±m%	M±m%	M±m%
АГ+ЮИК	65±2,2	52,9±9	31,5±1,3*	75±3,7	54,2±1,7	73,6±1,7
АГ	15±0,8	29,4±1,2	47,3±2,1*	0	5,7±0,4	5,2±0,4
ЮИК	5±0,3	0	5,2±0,5	0	5,7±0,4	0
АГ+ЮИК+ ҚД	15±1,2	8,8±1,1	10,4±0,7	16,7±0,9	22,8±1,3	15,6±1,8
АГ+ҚД	0	8,8±0,9	5,2±0,6	8,35±1,7	5,7±0,9	5,2±0,7
ЮИК+ҚД	0	0	0	0	5,7±0,8	0

Изоҳ: * - 1 гуруҳ (ўрта ёш) кўрсаткичларига нисбатан фарқи ишонарли (* - P<0,05; ** - P<0,01; *** - P<0,001)

2-жадвалдан кўриниб турганидек, ўрта ёшли гуруҳда СЮЕ II ФСда АГ ва ЮИКнинг бирга келиш ҳолатининг учраши устунлик қилди ва 65%ни ташкил қилди. Бу икки нозологияга ҚДнинг кўшилиши 15%да аниқланди, АГнинг этиологик омил сифатида алоҳида учраши ҳам 15%да кузатилди. Бу гуруҳда ЮИКнинг алоҳида учраши 5%да учради. СЮЕ III ФСда АГ ва ЮИКнинг бирга келиш ҳолати 75%да кузатилди, АГ, ЮИК ва ҚД 16,7%да ва бир ҳолатда АГ ва ҚД бирга келиш ҳолатлари аниқланди.

Кекса ёшли беморлар гуруҳида эса СЮЕ II ФСда АГ ва ЮИК кўшилиб келиши 52,9%, АГнинг алоҳида этиологик омил сифатида учраши 29,7%ни ташкил этди. АГ, ЮИК ва ҚДларнинг кўшилиб келиши 8,8%, АГ ва ҚД яна 8,8% ҳолатда учради. Кекса ёшли беморлар гуруҳи СЮЕ III ФСда эса этиологик омиллар 54,2%да АГ ва ЮИК улушига тўғри келган бўлса, 22,8%да бу омилларга ҚД ҳам кўшилиб келганлиги намоён бўлди. АГ ва ЮИКларининг алоҳида учраш ҳолатлари ва айнан шу нозологик бирликларга ҚДнинг кўшилиб келиш ҳолатлари 5,7%ни ташкил этди.

Изданишларимиз натижалари текширилган гуруҳ беморларида камқонликнинг тарқалиши 21,5% эканлигини кўрсатди. Булардан енгил даражали камқонлик 23 аёлда учраб, гемоглобин ўртача кўрсаткичи $99,1 \pm 5,5 \text{ г/л}$ ни ташкил этди, камқонлик ўрта даражаси эса 7 та беморда қайд қилиниб, ўртача кўрсаткич $84,8 \pm 5,5 \text{ г/л}$ эканлиги намоён бўлди. Излданишларимиз давомида СЮЕ билан хасталанган беморлар гуруҳида камқонликнинг учраши кекса ёшли беморларда 18,8%, қари ёшли беморларда 31,5% ва ўрта ёшли гуруҳда 15,6%ни ташкил этганлиги

аниқланди. Баён этилган маълумотлардан (3-жадвал) камқонликнинг тарқалиши ва яққоллиги бемор ёшига бевосита боғлиқлиги аниқланди.

3-жадвал

Текширилаётган гуруҳларда камқонлик даражаларининг тарқалиши

Ўрганилаётган кўрсаткич	1-гуруҳ (n=32)		2-гуруҳ (n=69)		3-гуруҳ (n=38)		P ₁₋₂	P ₁₋₃
	абс	%	абс	%	абс	%		
Камқонлик I даража	4	12,5	11	15,9	8	21	>0,05	>0,05
Камқонлик II даража	1	3,1	2	2,8	4	10,5	>0,05	>0,05

Қандли диабет ўрта ёшли гуруҳда 18,7%да учраган бўлса, кекса ёшли гуруҳда энг юқори кўрсаткич қайд қилинди (26% ($p<0,05$)) ва қари ёшли гуруҳда 18,4%да учраши аниқланди. СЮЕ билан хасталанган ўрта ёшли гуруҳда семизлик энг кўп тарқалган бўлиб, 59,3%ни ташкил этди. Кексалик ёшида бу кўрсаткич 55%ни ташкил этган бўлса, қарилик ёшида семизликнинг тарқалиши нисбатан кам учради ва 36,8%га тенг бўлди ($p<0,05$). Текширилаётган гуруҳларда семизлик тарқалишини таҳлил қилиш жараёнида ўрта ва кекса ёшли беморларда семизлик ва унинг даражалари билан СЮЕ ФСлари орасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди. Умуман олганда семизлик СЮЕ II ФСда III ФСга нисбатан кўп учради, бу беморларда СЮЕ авж олиб бориши билан бирга тана массаси йўқотилиши билан асосланади.

Тадқиқотларимиз натижасида депрессиянинг тарқалиши кекса ёшли гуруҳда 60,8% ($p<0,05$), қари ёшли гуруҳда 55,2% ва ўрта ёшли гуруҳда 53,4%ни ташкил этиши аниқланди. СЮЕ ФС оғирлигига боғлиқ ҳолда депрессиянинг тарқалишини таҳлил қилиш, депрессия даражаси ва СЮЕ ФС орасида яққол боғлиқлик борлигини кўрсатди, яъни СЮЕ ФС ошиши билан депрессиянинг тарқалиши ва оғирлигининг ошиши ҳолатлари кузатилди (4-жадвал). НАМ-D шкаласи орқали сўровнома натижалари кекса ва ўрта ёшли беморлар гуруҳида яққол ифодаланган депрессия кўпроқ кузатилганлигидан далолат берди. Албатта бу ўрта ёшли гуруҳдаги беморларнинг ҳали фаолият юритадиган даврдалиги ва уларда СЮЕнинг ривожланганлиги иш қобилиятига таъсир кўрсатганлиги, одатдаги ҳаёт тарзини ўзгартирганлиги билан тушунтирилади.

Тадқиқотларимизда кекса ва қари ёшли беморларда СЮЕ II ва III ФСларнинг нисбати деярли тенг бўлди. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, СЮЕ II ФС ташхиси якуний ташхис қўйилаётганда баъзан тушиб қолдирилади, лекин мувофиқ текширув усуллари орқали унинг мавжудлиги тасдиқланади. Аксарият ҳолларда кекса ва қари ёшли беморларда СЮЕнинг этиологик омили сифатида АГ ва ЮИК бирга келиш ҳолати намоён бўлди. Кекса ёшли беморлар гуруҳида ЮИК. Инфарктдан кейинги кардиосклероз энг юқори


фоизда учраши аниқланди. Кекса ёшли беморлар гуруҳида СЮЕ ФСлари ва ҚДнинг мавжудлиги орасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди. СЮЕ ФСлари ва семизликнинг мавжудлиги орасида эса тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди.

4-жадвал

СЮЕ оғирлигига қараб депрессиянинг тарқалиши


Даража		Ўрта ёш n=32		Кекса ёш n=69		Қари ёш n=38	
		II	III	II	III	II	III
енгил	абс	5	3	8	9	5	5
	%	25	25	23,5	25,7	26,3	26,3
ўрта	абс	2	4	9	13	3	6
	%	10	33,3	26,4	37,1	15,7	31,57
оғир	абс	1	2	1	2	1	1
	%	5	16,7	2,9	5,7	5,2	5,3

ЭхоКГ кўрсаткичлари СЮЕ ФСларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилинганда кекса ва ўрта ёшли беморларда диастола охиридаги ҳажм, систола охиридаги ҳажм ва чап қоринча қон отиш фракцияси қийматлари орасида яққол фарқ аниқланди. Кекса ёшли гуруҳда кўпгина кўрсаткичлар қийматлари орасидаги фарқ нисбатан катта бўлди ва бу шу ёшдаги беморлар учун ЭхоКГ кўрсаткичлари СЮЕ кечишининг оғирлашувида юқори сезгир индикатор ролини ўйнаши мумкинлигини кўрсатади. Қарилик ёшида эса юқоридаги кўрсаткичлар СЮЕ турли ФСлари орасидаги фарқи яққол бўлмади. Чап қоринча қон отиш фракцияси ўртача кўрсаткичлари эса кекса ва қари ёшли гуруҳда нормал кўрсаткичлардан кескин фарқ қилмаганлиги ушбу беморларда аксарият ҳолларда СЮЕ сақланган қон отиш фракцияси билан кечганлигидан далолат беради. Бунда беморларда чап қоринча диастолик типдаги дисфункцияси устунлик қилаётганлиги эътиборни тортади (1-расм).



1-расм. Текширилаётган гуруҳда турли қон отиш фракцияли СЮЕнинг тарқалиши (%)

ЭКГ белгилар таҳлилидан экстрасистолия ўрта ёшли беморлар гуруҳида кўп учраши (12,5%) аниқланган бўлса, бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) кекса ёшли беморларда кенг тарқалиб 11,6%ни ташкил этиши аниқланди. Қари ёшли гуруҳда тахикардия нисбатан кўп қайд қилинганлигини ушбу гуруҳда ЮҚСнинг ўртача кўрсаткичи энг юқори қийматда эканлигидан ҳам билса бўлади. Айнан шу гуруҳда юрак ўтказувчанлигининг бузилиши типидagi аритмиялар энг кўп учраганлиги (44,7% (p<0,05)) намоён бўлди (2-расм).



2-расм. Беморларда ритм ва ўтказувчанлик бузилишининг тарқалиши

Изох: * - p<0,05да ўрта ёшли гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқи статистик ишончли, ^ - p<0,05да қари ёшли гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқи статистик ишончли

Текширув натижалари азот оксиди метаболитларининг қондаги даражаси ҳар уччала ёш гуруҳида назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли юқори кўрсаткичда эканлигини кўрсатди. Бунда энг юқори қийматлар қари ёшли гуруҳ беморларида кузатилди. Энг кам ўртача кўрсаткичлар ўрта ёшли беморлар улушига тўғри келди.

Эндотелиал NO-синтаза (eNOS) миқдори ҳар уччала гуруҳда нормал қийматлардан ишончли паст кўрсаткичга тенглиги аниқланди, бунда қари ёшли гуруҳ кўрсаткичлари ҳаттоки икки бараварга кам эканлиги кузатилди. Кекса ёшли гуруҳ кўрсаткичлари қари ёшдагига нисбатан бир оз юқори бўлиб, ўрта ёшли беморларда eNOS ўртача кўрсаткичи катта ёшли гуруҳ беморларига нисбатан юқори кўрсаткичда бўлсада, меъерий қийматларга нисбатан анча паст кўрсаткичда эканлиги аниқланди (5-жадвал).

Текширув гуруҳларида индуцибель NO-синтаза (iNOS) даражаси нормал кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлди, унинг даражаси ўрта ёшли гуруҳда 2 бараварга ошган бўлса, кекса ва қари ёшли гуруҳда бу кўрсаткич 3 бараварга юқорилиги аниқланди. Энг юқори ўртача кўрсаткич қари ёшли беморлар гуруҳига тўғри келди. Ваниҳоят, пероксинитрит даражаси СЮЕ билан хасталанган барча гуруҳларда хужайралар учун токсик таъсир кўрсатувчи даражада (0,2дан юқори) ошганлигини кўрсатди.

**Турли ёшли гуруҳларда эндотелиал дисфункция маркёрлари
кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ўрта ёш n=32	Кекса ёш n=69	Қари ёш n=38	Назорат гуруҳи
NO (мкмоль/л)	16,81±1,61***	21,43±7,25***	23,09±4,73***	11,3±0,2
eNOS (мкмоль/л)	7,89±0,71***	6,35±2,06***	5,46±1,47***	11,6±0,4
iNOS (мкмоль/л)	1,81±0,22***	2,32±1,01***	2,66±0,69***	0,7±0,03
ONOO ⁻ (мкмоль/л)	0,35±0,07	0,43±0,15	0,54±0,06***	0,2±0,02

Изох: * - 1 гуруҳ (ўрта ёш) кўрсаткичларига нисбатан фарқи ишоняли (* - P<0,05; ** - P<0,01; *** - P<0,001)

Азот оксидининг синтезланиши учун масъул қондаги ферментлар миқдорини таҳлил қилиш орқали СЮЕда томирларга танлаб таъсир кўрсатувчи азот оксидининг эндотелиал фракцияси ишлаб чиқарилиши учун масъул эндотелиаль NO-синтаза (eNOS) миқдорининг камайиши аниқланди. Шу билан бирга барча гуруҳларда умумий таъсир кўрсатувчи азот оксиди ишлаб чиқарилишига масъул индуцибель NO-синтаза (iNOS) миқдори сезиларли юқори бўлди. Айнан NO турли фракциялари ишлаб чиқарилиши нисбатининг ўзгариши СЮЕда организмда юзага келадиган тизимли эндотелиал дисфункциянинг ўзига хос диссоциация механизмини тушунтириб беради.

6-жадвал

**Умумий танлов гуруҳидаги беморларда СЮЕ оғирлиги кўрсаткичлари
ва эндотелиал дисфункция кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион
боғлиқликни ҳисоблаш (корреляция коэффиценти (r))**

Нисбат	Ўрта	Кекса	Қари	Ўрта/ кекса	Ўрта/ қари	Қари /кекса
NO/Ёш	0,324	0,367	0,374	P>0,05	P<0,05	P>0,05
eNOS /Ёш	-0,174	-0,449	-0,565	P<0,05	P<0,05	P<0,05
iNOS /Ёш	0,033	0,298	0,331	P<0,05	P<0,05	P>0,05
ONOO ⁻ /Ёш	0,295	0,490	0,498	P<0,05	P<0,05	P>0,05
NO/КХБШ	0,378	0,578	0,613	P<0,05	P<0,05	P>0,05
eNOS / КХБШ	-0,345	-0,653	-0,742	P<0,05	P<0,05	P>0,05
iNOS /КХБШ	0,177	0,268	0,312	P<0,05	P<0,05	P>0,05
ONOO ⁻ /КХБШ	0,241	0,421	0,435	P<0,05	P<0,05	P>0,05
NO/ОДЮС	-0,588	-0,601	-0,686	P>0,05	P<0,05	P<0,05
eNOS /ОДЮС	0,498	0,747	0,776	P<0,05	P<0,05	P>0,05
iNOS /ОДЮС	-0,129	-0,260	-0,321	P<0,05	P<0,05	P>0,05
ONOO ⁻ /ОДЮС	-0,189	-0,215	-0,292	P>0,05	P<0,05	P<0,05
NO/ФС	0,482	0,643	0,677	P<0,05	P<0,05	P>0,05
eNOS/ФС	-0,578	-0,670	-0,728	P<0,05	P<0,05	P<0,05
iNOS/ФС	0,139	0,201	0,239	P<0,05	P<0,05	P<0,05
ONOO ⁻ /ФС	0,128	0,154	0,336	P>0,05	P<0,05	P<0,05

6-жадвалда умумий танлов гуруҳидаги беморларда СЮЕ оғирлиги кўрсаткичлари ва эндотелиал дисфункция кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғлиқлик ҳисоби намоён этилган. Бемор ёши, СЮЕ функционал синфи, КХБШ, ОДЮС, қон отиш фракцияси билан NO, eNOS, iNOS ва ONOO⁻ даражалари орасида ўрта ва яққол корреляцион боғлиқлик аниқландики, бу кўрсаткичлар тизимли эндотелиал дисфункция даражасини кўрсатиш билан бирга бемордаги СЮЕ оғирлигини ҳам акс эттиради.

Олинган натижалар СЮЕда NO метаболитлари, eNOS, iNOS ва ONOO⁻ миқдорининг ўзгариши терапия масаласида аҳамиятга олиниши керак бўлган асосий патогенетик бўғинлардан бири саналган яққол тизимли эндотелиал дисфункция ривожланишини тасдиқлашга хизмат қилади деб хулосалаш имконини беради. Олинган натижалар аёл беморларда сурункали юрак етишмовчилиги самарадор давосининг асосий вазифаларидан бири эндотелиал NO-синтазани стимуллаш ҳисобига эндотелиал азот оксиди чиқишини яхшилашдан иборат эканлигига гувоҳлик беради.


СЮЕ давосида асосий гуруҳ препаратларининг беморлар томонидан қабул қилиниш тартиби сўронома асосида аниқланди, бунда препаратларни мунтазам қабул қилувчи, курс даво сифатида, симптоматик даво сифатида қабул қилувчи ва шу пайтгача асосий гуруҳдаги препаратларни қабул қилмаган беморлар гуруҳи ажратилди. II ФС беморларни сўрономаси натижалари СЮЕ стандартига кирувчи препаратларни шу пайтгача қабул қилмаган беморлар ўрта ёшли гуруҳда 10%, кекса ёшли гуруҳда 8,8% ва қари ёшли гуруҳда 21,1%ни ташкил этишини кўрсатди. Давони курс даво сифатида қабул қилган беморлар юқоридаги гуруҳларга мувофиқ равишда 25%, 17,6% ва 42,1%, симптоматик (белгиларнинг кучайишига қараб) даволаниб турувчи беморлар 40%, 41,7% ва 15,7% ни ташкил этди. Асосий гуруҳга кирувчи препаратларни мунтазам қабул қилиш кекса ёшли беморларда нисбатан юқори бўлиб, 32,3%ни ташкил этган бўлса, қарилик ёшида бу кўрсаткич 21,1% ва ўрта ёшли гуруҳда 25%далиги аниқланди. Ушбу жадвал таҳлили барча ёш гуруҳларидаги СЮЕ II ФСли беморларда СЮЕ давосининг асосий гуруҳ препаратларини мунтазам қабул қилиш паст кўрсаткичда эканлигини кўрсатади (7-жадвал).

Текширувларимиз натижасида ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлари блокаторларидан фойдаланиш ўрта ёшли гуруҳда 82,7% (II ФСда 70%(p<0,05)), кекса ёшли гуруҳда 82,5% (II ФСда 73,4%), қари ёшли гуруҳда 76,3% (II ФСда 68,3%(p<0,05)), β-блокаторлардан фойдаланиш мос равишда 31,2% (II ФСда 25%(p<0,05)), 36,1% (II ФСда 32,4%), 26,3% (II ФСда 21,1%(p<0,05))ни, минералокортикоид рецепторлари антагонистларидан фойдаланиш 3,1%, 4,3%, 2,6% (мос равишда), диуретикларни қўлланилиши 21,8%, 26,1%, 21,1% (мос равишда), юрак гликозидлари эса ўрта ёшда 3,1%, кекса ёшда 7,2% ва қарилик ёшида 5,2% ҳолатда ишлатилгани аниқланди.

СЮЕ давоси асосий гуруҳ препаратларни қабул қилиш хусусиятлари

		Ўрта ёш		Кекса ёш		Қари ёш	
		II	III	II	III	II	III
Мунтазам қабул қилиш	абс	5	5	11	18	4	8
	%	25	41,6	32,3	51,4	21,1	42,1
Симптоматик даво	абс	8	4	14	9	3	4
	%	40	33,3	41,7	25,7	15,7	21,1
Давони курс даво сифатида қабул қилиш	абс	5	3	6	7	8	6
	%	25	25	17,6	20	42,1	31,5
Асосий гуруҳдаги препаратларни қабул қилмаган	абс	2	0	3	1	4	1
	%	10	0	8,8	2,8	21,1	5,2

